**“Хонқа дон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти акциядорларининг 2023 йил якуни бўйича умумий йиғилиши 1-сонли баённомаси**

*2024 йил 15 март соат 11-00* — *Хонқа тумани ,Муллаёп 64 уй*

**Йиғилиш раиси**: Н.Ж.Жумаев - Кузатув кенгаши раиси

**Иштирок этганлар:** “Ўздонмаҳсулот” АК вакили Н.Ж.Жумаев “Хонқа дон маҳсулотлар” акциядорлик жамияти акциядорлари ҳамда улар номидан келган вакиллар, жамият кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолари *(рўйхатга олиш қайдномаси бўйича)*

Жами овоз берувчи акциялар 18323548 (Ўн саккиз миллион уч юз йигирма уч минг беш юз қирқ саккиз) дона. Йиғилишда иштирок этаётган акциядорлар ва уларнинг вакилларига тегишли овоз берувчи акциялар сони 12724116 дона. Йиғилиш кворуми 69,44 фоиз.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Кузатув кенгаши раиси Н.Жумаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонунининг 66-моддасига мувофиқ, овозларни санаб чиқиш, умумий йиғилишда иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланиши белгиланганлигини билдирди.

Саноқ комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши ҳамда бу таркибга жамият кузатув кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари (тафтишчиси), жамият бошқарув раиси, ишончли бошқарувчи, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмаслиги маълум қилинди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги масала юзасидан, акциядорлар томонидан тасдиқлаш учун қуйидаги таркибда саноқ комиссияси аъзоларини таклиф қилди ҳамда очиқ овоз бериш орқали тасдиқлаб беришларини сўради.

| **Т.Р.** | **Фамилия, исми ва шарифи** | **Лавозими** |
|---|---|---|
| 1 | Маматов Худашукур | “Хонқа дон махсулотлари” бош хисобчи муовини |
| 2 | Хайитов Мирзобек | “Хонқа дон махсулотлари” АЖ етакчи хисобчиси |
| 3 | Аминов Умид | “Хонқа дон маҳсулотлари” АЖ маркетолог |

**Кун тартибидаги ушбу масала овозга қўйилди ва таклиф бир овоздан маъқулланди.**

Шундан сўнг, Кузатув кенгаши раиси Н.Ж.Жумаев акциядорларнинг умумий йиғилишни олиб бориш тартиби ва регламентини тасдиқлаш таклифини киритди. Йиғилишда маърузага чиқувчиларга 5 дақиқа, муҳокама учун 3-5 дақиқа, шунингдек, йиғилишни танаффуссиз якунлаш таклиф этилди ва очиқ овоз бериш орқали тасдиқлаб беришларини сўради.

**Таклиф этилган тартиб ва регламент бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

**Қуйидаги (олдиндан акциядорларга тарқатилган) кун тартиби ўқиб эшиттирилди:**

*1. Акциядорлар умумий йиғилиши иш регламентини тасдиқлаш.*

*2. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва таркибини сайлаш.*

*3. Жамият Кузатув кенгашининг 2023 йилдаги ишлари бўйича ҳисоботи.*

*4. Жамиятнинг 2023 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича йиллик ҳисоботи, бунда, 2023 йилнинг асосий натижалари ҳамда 2024 йилда амалга ошириладиган долзарб вазифалар тўғрисида бошқарув раисининг ҳисоботини эшитиш.*

*5. 2023 йил учун Жамиятнинг халқаро молиявий хисобот стандартларига мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботни ҳамда халқаро аудит стандартларига мувофиқ 2023 йил учун ўтказилган аудит текшириш натижаларини кўриб чиқиш.*

*6. Жамиятнинг 2023 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Тафтиш комиссиясининг хулосаси билан танишиб чиқиш.*

*7. Ўзбекистон Республикаси Призенидентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сонли қарори талабларига мувофиқ корхонада харидлар жараёнининг шаффофлилиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини хисобга олган ҳолда импорт ҳаридларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида жамият бошқарув раисининг ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот технологиялари масалалари бўйича ўринбосарининг 2023 йил якунлари бўйича ҳисоботи.*

*8. Жамиятда 2023 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича мустақил баҳоловчи ташкилот хулосаси билан танишиб чиқиш.*

*9. Жамиятнинг 2023 йил молиявий фаолияти таҳлили ҳамда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК, СЙК) бажарилиши тўғрисида ташқи аудит хулосаси билан танишиш.*

*10. Жамият балансида мавжуд бўлган даъво муддати 3 йилдан ошган дебитор ва кредитор қарздорликларни жамият зарари ва фойдасига хисобдан чиқаришни кўриб чиқиш.*

*11. Жамиятнинг 2024 йилги фаолиятини мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш.*

*12. Жамиятнинг 2023 йил молиявий кўрсаткичлари якунлари бўйича соф фойдани тақсимотини ва дивидент ҳажмини шакллантириш масалаларини кўриб чиқиш.*

*13. Жамиятнинг 2024 йилга мўлжалланган Бизнес режасини тасдиқлаш.*

*14. Жамият Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ва Ички аудит аъзоларини сайлаш.*

*15. Жамият бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномасини узайтириш тўғрисида.*

Кузатув кенгаши раиси Н.Жумаев юқорида келтирилган кун тартиби бўйича қўшимча таклиф ёки эътирозлар бўлмаса очиқ овоз бериш орқали тасдиқлаб беришларини сўради.

**Таклиф этилган кун тартиби бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

Йиғилиш раислигига Н.Ж.Жумаев, котиблигига жамият хисобчи Қ.Юлдашева номзодлари таклиф этилди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши раёсатига "Ўздонмахсулот" АК Кузатув кенгаши раиси Н.Ж.Жумаев, аъзолари бошқарув раиси Р.М.Абдуллаев, молиявий фаолият, маҳсулот сотиш ва сотиб олиш бўйича директор Р.К.Авезов, Трансформация масалалари буйича биринчи уринбосар Б.Салаев, бош ҳисобчи А.С.Гаиповлар номзодлари таклиф этилди.

Кузатув кенгаши раиси Н.Ж.Жумаев кун тартибидаги биринчи ва иккинчи масалалар акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш орқали тасдиқлаб олинганлиги сабабли, кун тартибидаги учинчи масалани кўриб чиқиш таклифини киритди.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан 2023 йилда жамият кузатув кенгаши раиси Н.Жумаев 2023 йил давомида жамиятда 9 (тўққиз) маротаба кузатув кенгаши аъзолари йиғилиши ўтказилганлиги ва Жамият Кузатув кенгашининг 2023 йилдаги ишлари бўйича ҳисоботи юзасидан батафсил

маълумот бериб ўтди (ҳисобот илова қилинади).

**Таклиф этилган кун тартибидаги учинчи масала ҳам акциядорлар томонидан тингланиб, бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:*

| т/р | Тарафдорлар | Қаршилар | бетарафлар |
|---|---|---|---|
| 3 | 12724116 (100 фоиз) | Йўқ | Йўқ |

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан 2023 йилда жамият фаолиятига раҳбарлик қилган Р.Абдуллаев сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2023 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари ва Бизнес-режасининг бажарилиши юзасидан батафсил маълумот бериб ўтди (ҳисобот илова қилинади).

**Таклиф этилган кун тартибидаги тўртинчи масала ҳам акциядорлар томонидан тингланиб, бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:*

| т/р | Тарафдорлар | Қаршилар | бетарафлар |
|---|---|---|---|
| 4 | 12724116 (100 фоиз) | Йўқ | Йўқ |

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан**,** жамиятнинг молиявий-фаолият, маҳсулот сотиш ва сотиб олиш бўйича директор Авезов Руслан Камилжанович сўзга чиқиб, 2023 йил давомида жамиятда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот бериб, “Хонқа дон маҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг харидлар жараёнидаги шаффофлиги асослилиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлиги бўйича ташқи аудит, яъни “**KORIFEY-AUDIT**” МЧЖдан берилган хулосани йиғилиш иштирокчилари муҳокомасига ҳавола этди.

Йиғилиш иштирокчилари фикр-мулоҳозаларидан сўнг, раислик этувчи кун тартибидаги бешинчи масалани овозга қўйиш таклифини билдирди:

**Таклиф этилган кун тартибидаги бешинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қуйидагича:*

| т/р | Тарафдорлар | қаршилар | бетарафлар |
|---|---|---|---|
| 5 | 12724116 (100 фоиз) | Йўқ | Йўқ |

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан бош ҳисобчи Гаипов Анвар Сапаевич сўзга чиқиб, жамиятнинг 2022 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш юзасидан тафтиш комиссиясининг хисоботи ҳамда 2024 йил 12 январдаги 01/24-сонли шартномага асосан “**KORIFEY-AUDIT**” МЧЖ томонидан аудит текширувидан ўтказилган ҳулосаси билан таништирди ва хулосани йиғилиш иштирокчилари муҳокомасига ҳавола этдилар.

Йиғилиш иштирокчиларига баён қилинган аудиторлик ташкилоти

хулосалари муҳокамадан сўнг овозга қўйиш таклифини берди:

**Таклиф этилган кун тартибидаги олтинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қуйидагича:*

| т/р | Тарафдорлар | Қаршилар | Бетарафлар |
|---|---|---|---|
| 6 | 12724116 (100 фоиз) | Йўқ | йўқ |

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан, кузатув кенгаши раиси Н.Ж.Жумаев “Хонқа дон маҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг Ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директорининг 2023 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитишни таклиф этди. Йиғилиш иштирокчиларига ҳисобот берилди ва муҳокама қилинган ҳисоботни овозга қўйиш таклифини берди:

**Таклиф этилган кун тартибидаги еттинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қуйидагича:*

| т/р | тарафдорлар | қаршилар | бетарафлар |
|---|---|---|---|
| 7 | 12724116 (100 фоиз) | Йўқ | йўқ |

Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан молиявий фаолият, маҳсулот сотиш ва сотиб олиш бўйича директор Р.Авезов сўзга чиқиб, Жамиятда 2023 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича мустақил баҳоловчи ташкилот хулосаси билан таништирди ва хулосани йиғилиш иштирокчилари муҳокомасига ҳавола этдилар.

Йиғилиш иштирокчилари муҳокамаси эшитилгандан сўнг, раислик этувчи кун тартибидаги ушбу саккизинчи масалани овозга қўйиш таклифини берди:

**Таклиф этилган кун тартибидаги саккизинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қуйидагича:*

| т/р | Тарафдорлар | Қаршилар | бетарафлар |
|---|---|---|---|
| 8 | 12724116 (100 фоиз) | Йўқ | йўқ |

Кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан, жамиятнинг молиявий-фаолият, маҳсулот сотиш ва сотиб олиш бўйича директор Авезов Руслан Камилжаноич сўзга чиқиб, “Хонқа дон маҳсулотлари” АЖ нинг 2023 йил молиявий фаолияти таҳлили ҳамда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК, СЙК) бажарилиши тўғрисида ташқи аудит, яъни “**KORIFEY-AUDIT**”

МЧЖдан берилган хулосани йиғилиш иштирокчилари муҳокомасига ҳавола этди.

Йиғилиш иштирокчилари фикр-мулоҳозаларидан сўнг, раислик этувчи кун тартибидаги тўққизинчи масалани овозга қўйиш таклифини билдирди:

**Таклиф этилган кун тартибидаги тўққизинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қуйидагича:*

| т/р | Тарафдорлар | қаршилар | бетарафлар |
|---|---|---|---|
| 9 | 12724116 (100 фоиз) | Йўқ | Йўқ |

Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан бош ҳисобчи Гаипов Аанвар Сапаевич сўзга чиқиб, Жамият балансида мавжуд бўлган даъво муддати 3 йилдан ошган 10257840 сўмлик дебитор қарздорликни жамият зарари ва 8510532,60 сўмлик кредитор қарздорликни жамият фойдасига хисобдан чиқаришни йиғилиш иштирокчилари муҳокомасига ҳавола этди.

Йиғилиш иштирокчилари муҳокамадан сўнг овозга қўйиш таклифини берди:

**Таклиф этилган кун тартибидаги ўнинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қуйидагича:*

| т/р | Тарафдорлар | Қаршилар | бетарафлар |
|---|---|---|---|
| 10 | 12724116 (100 фоиз) | Йўқ | йўқ |

Кун тартибидаги ўн биринчи масала юзасидан бош ҳисобчи Гаипов Анварбек сўзга чиқиб 2024 йил якуни бўйича маолиявий фаолиятни аудиторлик текширувидан ўтказиш белгиланган тартибда тендер асосида аудиторлик ташкилотини танлашни таклиф қиламан.

Муҳокамадан сўнг, йиғилиш раиси кун тартибидаги ўн биринчи масалани овозга қўйди:

**Таклиф этилган кун тартибидаги ўн биринчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қуйидагича:*

| т/р | Тарафдорлар | Қаршилар | бетарафлар |
|---|---|---|---|
| 11 | 12724116 (100 фоиз) | Йўқ | йўқ |

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала юзасидан молиявий фаолият, маҳсулот сотиш ва сотиб олиш бўйича директор Р.К.Авезов сўз олиб, жамиятнинг ўз маблағлари ва акциядорлик жамияти мажбуриятлари унинг актив манбаи бўлиб, уларнинг ҳисоб рақамларида акс эттирилиши бухгалтерия ҳисоби тамойилларига мос келиши, балансининг халқаро талабларга мос ҳолда юритилиши якуний молиявий натижаларнинг тўғри

аниқланишига асос бўлиши, ўтказилган таҳлил ва текширувлар натижасида жамият бухгалтерия балансининг ошкоралиги таъминланганлиги ҳамда мазкур ҳолатни жамиятнинг 2023 йилги молиявий натижаларини текширувидан ўтказган “**KORIFEY-AUDIT**” МЧЖ аудит ташкилоти хулосаларида ҳам ёритилганлиги маълум қилинди.

Шунга мувофиқ, 2023 йил якуни бўйича корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда, яъни 208 млн 438 минг 994 сўм 56 тийиннинг 50 фоизи (104 млн 219 минг 497 сўм 28 тийин) дивиденд тўловлари учун (хар бир дона акция учун 5 сўм 64 тийин) ва 50 фоизи (104 млн 219 минг 497 сўм 28 тийин) ни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги “Илмий-инновацион ишланма ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 24-сонли қарорига асосан жамиятнинг Инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш яъни ишлаб чиқариш тармоғини ривожлантириш бўйича таклифини киритди.

Йиғилиш иштирокчилари муҳокамаси эшитилгандан сўнг, раислик этувчи кун тартибидаги ушбу ўн иккинчи масалани овозга қўйиш таклифини берди:

**Таклиф этилган кун тартибидаги ўн иккинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қуйидагича:*

| т/р | Тарафдорлар | Қаршилар | Бетарафлар |
|---|---|---|---|
| 12 | 12724116 (100 фоиз) | Йўқ | Йўқ |

Кун тартибидаги ўн учинчи масала юзасидан жамият бошқарув раиси Р.Абдуллаев сўз олиб, жамиятнинг 2024 йилга мўлжалланган бизнес режасида ун, омухта – ем, уруғлик буғдой ҳамда қишлоқ хўжалиги махсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилган ва 2024 йилдаги бизнес режада бажариладиган ишлар тўғрисида батафсил маълумот бериб, гапириб ўтди.

Йиғилиш иштирокчилари муҳокамаси эшитилгандан сўнг, раислик этувчи кун тартибидаги ушбу ўн учинчи масалани овозга қўйиш таклифини берди:

**Таклиф этилган кун тартибидаги ўнинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қуйидагича:*

| т/р | Тарафдорлар | Қаршилар | Бетарафлар |
|---|---|---|---|
| 13 | 12724116 (100 фоиз) | йўқ | Йўқ |

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала юзасидан, умумий йиғилиш

муҳокамасига Кузатув кенгаши раиси Н.Жумаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 63-моддасига мувофиқ, жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, агар жамият уставида бундан кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси (тафтишчилиги)га бу органнинг таркибидан ошмайдиган миқдорда номзодлар кўрсатишга ҳақлилигини билдирди ва ўз функция ва мажбуриятларини бажарганлиги учун Кузатув кенгаши аъзоларига (Кузатув кенгаши 1 нафар аъзоси ҳисобидан) асосий (ойлик) рағбатлантириш миқдори Кузатув кенгаши раисига ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий хисоблаш миқдорини 4 баробари, аъзосига 3 баробари миқдорида тайинлаш таклифини киритди.

Қонунда белгиланган муддатда кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар таклифи берилган бўлиб, ушбу номзодлар қуйидаги тартибда овозга қўйилди:

| т/р | Фамилия, исми ва шарифи | Иш жойи | тарафдор-лар | қарши-лар | бетара ф-лар |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Жумаев Нодир Жахонович | “Ўздонмахсулот” АК | 12724116 | йўқ | Йўқ |
| 2 | Тўрақулов Қахрамон Хасанович | “Ўздонмаҳсулот” АК | 12724116 | йўқ | Йўқ |
| 3 | Камилов Аброр Анварович | “Ўздонмаҳсулот” АК | 12724116 | йўқ | йўқ |
| 4 | Абдуллаев Расул Абдулазизович | “Ўздонмахсулот” АК | 12724116 | йўқ | йўқ |
| 5 | Донаев Шерали Бурханович | “Ўздонмахсулот” АК | 12724116 | йўқ | йўқ |
| 6 | Жаббаров Руслан Жумабоевич | “Ўздонмахсулот” АК | 12724116 | йўқ | йўқ |
| 7 | Мадрахимов Исомаддин | “Ўздонмахсулот” АК | 12724116 | йўқ | йўқ |

Кун тартибидаги масала юзасидан, қонунда белгиланган муддатда тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар таклифи берилган бўлиб, ушбу номзод

қуйидаги тартибда овозга қўйилди:

| т/р | Фамилия, исми ва шарифи | Иш жойи | тарафдор-лар | қарши-лар | бетара ф-лар |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Турдиев Зиёвиддин Бахтиёрович | “Ўздонмаҳсулот” АК | 12724116 | Йўқ | Йўқ |

Кун тартибидаги масала юзасидан, қонунда белгиланган муддатда ички аудит аъзолигига номзодлар таклифи берилган бўлиб, ушбу номзод қуйидаги тартибда овозга қўйилди:

| т/р | Фамилия, исми ва шарифи | Иш жойи | тарафдор-лар | қарши-лар | бетара ф-лар |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Тухтаев Бекзод Иззатиллаевич | “Ўздонмаҳсулот” АК | 12724116 | Йўқ | Йўқ |

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала юзасидан, кузатув кенгаши раиси Н.Ж.Жумаев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, акциядорлик жамияти ижро органининг раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарорда хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилиниши белгиланганлигини айтиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ акциядорлик жамиятларининг Бошқарув раиси ўз лавозимига бир йил муддатга ёлланиши ва у билан шу муддатга меҳнат шартномаси имзоланиши мумкинлиги тўғрисида тўхталиб, Абдуллаев Равшонбек Машарипович номзодини “Хонка дон маҳсулотлари” акциядорлик жамиятига раҳбарлик қилиши юзасидан таклиф киритди. Бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини бир йилга яъни, акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишига қадар тузиш таклифини берди.

Кун тартибидаги масала юзасидан йиғилиш иштирокчилари фикр, муносабат билдиришларини сўради ва муҳокамалардан сўнг овозга қўйиш таклифини берди:

**Таклиф этилган кун тартибидаги ўн бешинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қуйидагича:*

| т/р | Тарафдорлар | Қаршилар | бетарафлар |
|---|---|---|---|
| 15 | 12724116 (100 фоиз) | Йўқ | йўқ |

## УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Хонқа дон махсулотлари” АЖ нинг бугунги умумий йиғилишини олиб бориш тартиби ва регламенти тасдиқласин.

2. Акциядорлар томонидан кўриб чиқилиб тавсия этилган “Хонқа дон махсулотлари” АЖ нинг бугунги умумий йиғилиш саноқ комиссияси сони ва таркиби тасдиқлансин.

3. Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан ҳисоботи қониқарли деб ҳисоблансин ва тасдиқлансин.

4. Жамиятнинг 2023 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари ва 2023 йил бизнес-режасининг бажарилиши юзасидан бошқарув раисининг йиллик ҳисоботи қоникарли деб ҳисоблансин ва тасдиқлансин.

5. Жамиятнинг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ҳамда молиявий-фаолият, маҳсулот сотиш ва сотиб олиш масалалари бўйича директорларининг 2023 йил якуни бўйича ҳисоботлари қониқарли деб ҳисоблансин ва тасдиқлансин.

6. 2023 йил натижалари бўйича ташқи аудиторлик ташкилотини ўз муддатида тендер асосида танлаш маъқуллансин.

7. Корхонада харидлар жараёнининг шаффофлиги асослилиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида ва молиявий фаолият таҳлили ҳамда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК, СЙК) бажарилиши хамда корпоратив фаолиятини баҳолаш тўғрисида ташқи аудит ҳулосалари маълумот учун қабул қилинсин.

8. “Хонқа дон махсулотлари” АЖнинг 2023 йил 4-чорак якуни баланси ва даромад ҳисоботи тасдиқлансин. 2023 йил 4-чорак якуни бўйича корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда, яъни **208 млн 438 минг 994 сўм 56 тийинни яъни;**

**- 50 фоизи (104 млн 219 минг 497 сўм 28 тийин)**ни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги “Илмий-инновацион ишланма ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 24-сонли қарорига асосан жамиятнинг Инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш яъни ишлаб чиқариш тармоғини ривожлантиришга;

**- қолган 50 фоизи (104 млн 219 минг 497 сўм 28 тийин)** ни эса «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 51-моддасига асосан акциядорларга дивиденд тўлашга йўналтирилсин.

Бунда имтиёзли акциялар 157 556 дона ва 18 323 548 дона оддий акцияларнинг ҳар бирига 5 сўм 64 тийиндан жами **104 млн 219 минг 497**

**сўм 28 тийин** сўм дивиденд тўловлари тўғри келаётганлиги ва бу қонунда белгиланган муддатларда амалга оширилсин.

Акцияларга ҳисобланган дивидендларни 2024 йилнинг 16 мартдан бошлаб корхона ғазнасидан накд пул тўлаш, хисоб рақамга пул ўтказиш ва пластик карточка орқали тўлаб, 60 кун ичида ҳисоблашилсин.

9. Жамиятнинг 2024 йилга белгиланган «Бизнес-режа»си тасдиқлансин.

10.Жамият балансида мавжуд бўлган даъво муддати 3 йилдан ошган 10257840 сўмлик дебитор қарздорликни жамият зарари ва 8510532,60 сўмлик кредитор қарздорликни жамият фойдасига хисобдан хисобдан чиқарилсин.

11. Саноқ комиссиясининг баёнига асасан Куммулятив овоз бериш якуни бўйича Кузатув кенгаши таркибига қуйидагилар сайланган ҳисоблансин ва ўз функция ва мажбуриятларини бажарганлиги учун Кузатув кенгаши аъзоларига (Кузатув кенгаши 1 нафар аъзоси ҳисобидан) асосий (ойлик) рағбатлантириш миқдори Кузатув кенгаши раисига ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий хисоблаш миқдорини 4 баробари, аъзосига 3 баробари миқдорида тайинлансин.

.

Жумаев Нодир Жахонович
Тўрақулов Қахрамон Хасанович
Камилов Аброр Анварович
Абдуллаев Расул Абдулазизович
Донаев Шерали Бурханович
Жаббаров Руслан Жумабаевич
Мадрахимов Исомаддин

**12. Тафтиш комиссияси таркибига Турдиев Зиёвиддин Бахтиёрович, Ички аудит аъзолигига Тухтаев Бекзод Иззатиллаевич сайланган хисоблансин.**

13. Абдуллаев Равшонбек Машарибович билан кузатув кенгаши ўртасида акциядорларнинг 2024 йил якуни бўйича ўтказиладиган навбатдаги умумий йиғилишига қадар “Хонқа дон маҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг бошқарув раислигига тузилган мехнат шартномаси яна бир йилга узайтирилсин.

14. Ушбу қарорнинг бажарилишини таъминлаш жамият бошқаруви раиси Р.М.Абдуллаев зиммасига юклатилсин.

15. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат килиш кузатув кенгаши зиммасига юклатилсин.

**Йиғилиш раиси** **Н.Жумаев**

**Йиғилиш котиби** **Қ.Юлдашева**

Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана 16 март 2024 йил .